

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 32/30.12.2019.Үн/74.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЧОРИЕВ МУРОД ШОКИРЖОНОВИЧ

**ҲАДЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Чориев Мурод Шокиржонович

Ҳадиа муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни

тақомиллаштириш: назария ва амалиёт 3

Чориев Мурод Шокиржонович

Совершенствование правового регулирования дарственных

отношений: теория и практика 32

Choriyev Murod Shokirjonovich

Improving the legal regulation of donations

relations: theory and practice 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 32/30.12.2019.Үн/74.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЧОРИЕВ МУРОД ШОКИРЖОНОВИЧ

**ҲАДЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Yu110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Рўзиев Рустам Жабборович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Усманова Мубарак Акмалджановна юридик фанлар доктори, профессор Топилдиев Бахромжон Рахимжонович юридик фанлар доктори, профессор Тошев Бобоқул Норқобилович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 32/30.12.2019.Yu/74.01-рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2020 йил ____ ноябрда тарқатилди.
(2020 йил ____ ноябрдаги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.Т.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмонов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (Фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ҳамжамиятининг глобаллашув жараёнида халқаро савдо иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг ривожини ҳамда товар айланмасининг кенгайиши халқаро хусусий муносабатларда ҳада ва хайр-эҳсон шартномалари тобора кўпроқ қўлланилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ҳамда уни тасарруф этиш асосларидан бири сифатида ҳада ва хайр-эҳсон шартномаларининг субъектлари доираси кенгайиб, ушбу муносабатларда турли давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари иштирок этаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса халқаро хусусий муносабатларда ҳада ва хайр-эҳсонни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бир-бирига мослаштириш заруратининг кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Жаҳонда кенг қамровли хусусий муносабатларни уйғунлашиб бориш жараёнининг ҳозирги босқичида ҳада ва хайр-эҳсон муносабатларининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, халқаро хусусий муносабатларда ҳада ва хайр-эҳсон шартномаларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро уйғунлаштириш, ҳада ва хайр-эҳсон билан боғлиқ шартномавий муносабатлар, хусусан, шартномаларни тузиш, уларни шарҳлаш ва шартнома шартлари бузилишини бартараф этиш, ҳада қилинган моддий маданий мерос объектлари муомаласини, хайр-эҳсон қилинган мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш; фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш; фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамадан ҳада ва хайр-эҳсон шартномаларида зарурий шартларнинг етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги оқибатида уларнинг бажарилмаслигига ёхуд бузилишига сабаб бўлмоқда, баъзи ҳолларда ҳада муносабатларига тааллуқли ҳуқуқий нормаларни қўллаш жараёнида айрим муаммолар вужудга келмоқда, бундан ташқари фуқаролик ҳуқуқи ва жинойт ҳуқуқида «одатдаги совға»га нисбатан қатъий муносабат билдирилмаганлиги ҳамда бу ҳуқуқий атамани

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

қўллаш муаммоси етарлича ўрганилмаганлиги натижасида фуқаролик ҳуқуқининг ушбу коллизия нормасига комплекс баҳо берилмаган. Бу эса, мамлакатимизда ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Хўжалик ширкатлари тўрисида»ги (2001), «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги (2001), «Музейлар тўғрисида»ги (2008), «Қурол тўғрисида»ги (2019) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги 5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармонлари ва 2019 йил 5 апрелдаги 5464-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тақомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), The American institute of Iranin Studies, Harvard University, Stanford Law School, Boston College, Washington University School of Law, Johns Hopkins University (АҚШ), Oxford University, Newcastle University, Cambridge University, Queen Mary University (Буюк Британия), Frankfurt Universitet, Pantheon Sarbonne (Франция), Ludwig Maximilians Universität (Туркия), Ludwig-Maximilians-Universität München, Humboldt-Universität zu Berlin (Германия), Western Ontario (Канада), Mardin Artuklu universitetleri (Туркия)да олиб борилмоқда.

Ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга оид қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижаларга эришилган, жумладан: ҳада ва хайр-эҳсон билан боғлиқ шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг концептуал асослари тақлиф этилган (Москва давлат университети, Россия); ҳада ва

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, <http://www.pantheonsorbonne.fr>, <http://en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.utwente.nl/en/>, <http://bsu.edu.az/en/>.

хайр-эхсон шартномаларини фуқаролик ҳуқуқий шартномалар сифатидаги унинг шакли ва тузиш тартибини такомиллаштириш масалалари асослантирилган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия); шартномавий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонунларини ўрганиш ва уни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган (University of Oxford, Буюк Британия); ҳады ва хайр-эхсон муносабатларини шартномавий тартибга солишда юзага келадиган низоли вазиятларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари таклиф этилган (Cambridge University, Буюк Британия); ҳады ва хайр-эхсон билан боғлиқ шартномавий муносабатлар, хусусан, шартномаларни тузиш, уларни шарҳлаш ва шартнома шартлари бузилишини бартараф этиш асослаб берилган (Harvard University, АҚШ); хайрия ва хайр-эхсони амалга оширишнинг харқаро ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган (Ludwig-Maximilians-Universität München, Германия); Ислом динида хайр-эхсон ва унинг аҳамияти мазмун моҳояти очиб берилган (Mardin Artuklu universitetleri, Туркия).

Бугунги кунда дунёда ҳады ва хайр-эхсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда: халқаро хусусий муносабатларда ҳады ва хайр-эхсон шартномаларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро уйғунлаштириш, ҳады ва хайр-эхсон билан боғлиқ шартномавий муносабатлар, хусусан, шартномаларни тузиш, уларни шарҳлаш ва шартнома шартлари бузилишини бартараф этиш, ҳады қилинган моддий маданий мерос объектлари муомаласини, хайр-эхсон қилинган мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳады ва хайр-эхсон муносабатларига ислом ҳуқуқида алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, меҳр саҳоват кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам бериш, миннатдорчилик билдириш, ўзаро мурувватли бўлиш кабиларни қамраб олган. Ҳады ва хайр-эхсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ислом дунёсининг буюк фикршунос олимлари Муҳаммад бин Аҳмад бин Абу Сахлас-Сарахсий, Шайхул Ислом Бурхониддин ал-Марғиноний, Юсуф ал-Ҳусайн ас-Самарқандий асарларида³ кенг ёритиб берилган.

Ҳады ва хайр-эхсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз цивилист олимлари тарафидан умумий тарзда илмий таҳлил этилган. Жумладан, И.Анортоев, М.Баратов, И.Зокиров, О.Оқюлов, Ҳ.Раҳмонкулов, Р.Рўзиев, М.Усмонова, Ф.Шодмонов, А.Мухаммадиев каби олимларнинг асарларида⁴ буни кўриш мумкин.

³ Мухтасар. (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). – Т.: Чўлпон нашриёти, 1994.; Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржимаси. – Т.: Қуръони Каримни ўрганиш илмий маркази, 2004.; Максудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсуд: 2-китоб / Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: "Sharq", 2015.; Хидоя: Комментарий мусулманского права. Ответственный редактор: А.Х.Саидов.–Т.: Узбекистан, 1994. Ч-2.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II-жилд (биринчи китоб). Ҳожи-Ақбар Раҳмонкулов умумий таҳрири остида. -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 1998. –Б. 222-226.;

Хорижлик олимлардан Годэмэ Е., Цвайгерт К., Кётц Х., Эннекцерус Л., Кипп Т., Вольф М., Вагацума С., Ариидзуми Т., Морандьер Л. Жюллио де лалар ҳадя муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини умумий асосларда тадқиқ этган⁵.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳадя ва хайр-эҳсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи умумий тарзда Брагинский М.И., Витрянский В.В., Братусь С.Н., Сергеев А.П., Толстой Ю.К., Елисеев И.В., Иоффе О.С., Козыр О.М., Маковский А.Л., Масеевич М.Г., Красавчиков О.А., Содиков О.Н., Суханов Е.А., Маттеи У., Эрделевский А.М. ва бошқалар томонидан ўрганилган.⁶ Шунингдек, 2003 йилда С.Н.Соловых томонидан “Россия фуқаролик ҳуқуқида ҳадя” мавзусида⁷, 2005 йилда П.Л.Рыхлетский томонидан “Текинга тузиладиган битимлар тизимида ҳадя” мавзусида⁸ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Лекин, ҳадя муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар умумлаштирилган илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу нуқтаи-назардан белгиланган мақсад ва вазифалар доирасида танланган мавзунини комплекс тадқиқ қилиш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-

Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: «Адолат», 1996. 82-б.; Усманова М. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари. – Т.: ТДЮИ, 2005. –Б. 193-195.; Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II-қисм // Х. Раҳмонкулов, И. Зокиров умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат, 1999. –Б. 75-80.; Рўзиёв Р.Ж. Мулк ижараси шартномаси. – Т.: ЎЗМУ, 2005. -220 б.; Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2002. -46 б.; Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. Монография / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф. И.Б.Зокировнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 56-78.

⁵ Морандьер Л. Жюллио де ла. Гражданское право Франции. В 3-х томах. – Перевод с французского и вступительная статья Е. А. Флейшиц. – Москва: Издательство иностранной литературы. – Том 1: 1958. – 742 с. – Том 2: 1960. – 728 с. -Том 3: 1961. -748 с.; Годэмэ Е. Общая теория обязательств. Перевод с французского И. Б. Новицкого. – М.: Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948. – 511 с.; Цвайгерт К., Кётц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. Том 2. 2. – Пер. с нем. – М.: Междунар. отношения, 1998. – 512 с.; Эннекцерус Л., Кипп Т., Вольф М. Курс германского гражданского права. Том 1. Полутом 2. Перевод с 13-ого немецкого издания, проф. К. А. Граве, кандидата юридических наук Г. Н. Полянской и В. А. Альтшулера. Под редакцией, с предисловием и вводными замечаниями заслуженного деятеля науки проф. Д. М. Генкина и проф. И. Б. Новицкого. Издательство иностранной литературы, Москва, 1950.; Вагацума С., Ариидзуми Т. Гражданское право Японии. В двух книгах. Ред.: Халфина Р. О., Пер.: Батуренко В. В. – М.: Прогресс, 1983; кн. 1, 351 с.; кн. 2, 334 с.

⁶ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая: Договоры о передаче имущества. –М.: Статут, 2000. – С. 341.; Братусь С.Н. Предмет и система советского гражданского право. – М., 1963. – С. 9-71.; Гражданское право: Учебник. Часть III// Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М., 1997. – С. 120-121.; Иоффе О.С. Обязательственное право. М.: Юрид. лит., 1975. -С. 390-399.; Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая: текст, комментарий, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козыр, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. М., 1996. – С. 308.; Красавчиков О.А. Советское гражданское право. Учебник. Т.1. М.: Высшая школа, 1968. – С. 412-413.; Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный)/ Отв.ред. О.Н.Содиков. – М.: Инфра-М, Контакт, 2007. – С. 147.; Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положения права собственности. – М.: Юристъ, 1999. – С. 336 б.; Эрделевский А. Прощение долга и договор дарения // Ж. Российская юстиция. – 2000. -№3. -814 б.

⁷ Соловых С.Н. Дарение в гражданском праве России // Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 167.

⁸ Рыхлетский П.Л. Дарение в системе безвозмездных сделок // Дисс. ... канд. юрид. наук. Ростов - на - Дону 2005. –С. 152.

техник институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳада муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари генезисини ёритиб бериш;

ҳада муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишдаги миллий ва хорижий амалиётни қиёсий таҳлил қилиш;

фуқаролик муомаласида ҳада шартномасининг тутган ўрни ва аҳамиятини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш;

ҳада шартномаси тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва предметини илмий-назарий асосларда ёритиб бериш;

ҳада шартномасининг шакли ва тузиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳада шартномаси тарафлари ҳамда уларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб бериш;

муомалада бўлиши чекланган фуқаролик ҳуқуқи объектларини, юридик шахслар устав фондидаги ҳиссани, қимматбаҳо қоғозларни ҳада қилиш ҳамда хайр-эҳсон шартномаларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

ҳада шартномасини умумий асосларда бекор қилиш ҳамда бажариб бўлинган ҳада шартномасини бекор қилишни илмий-амалий тадқиқ қилиш;

ҳада шартномаси тарафларининг жавобгарлигини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасида ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи, ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида ҳада шартномаси тушунчаси, шакли, тузиш тартиби ва мазмуни, ҳада шартномасинининг ўзига хос алоҳида турлари, ҳада шартномасини бекор қилиш тартиби ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда тарихий ва тизимли усул, анализ ва синтез усули, қиёсий-ҳуқуқий ва таҳлил қилиш усули, норматив-ҳуқуқий ва амалий таҳлил усули, умумлаштириш, мантиқийлик ҳамда маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкида бўлган моддий маданий мерос объектлари йўқотилса унинг ўрни тўлдириб бўлмаслигини ҳамда унинг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тасарруф этилиши (масалан, мерос қолдирилиши, ҳада ёки олди-сотди қилиниши) лозимлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган;

белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабаридан ортиқ бўлмаган суммадаги оддий совғалардан ташқари ҳада таъқиқловчи қоида ишлаб чиқилиб, унда мансабдор шахслар, шунингдек, давлат ташкилоти ёки бошқа ташкилотларда бошқарувчилик вазифасини бажараётган шахслар учун қиймати катта бўлмаган одатдаги совғалардан ташқари ҳада олиш унинг мақсади, тури ҳамда қийматидан қатъи назар таъқиқланиши лозимлиги асосланган;

моддий маданий мерос объектнинг мулкдори бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўзига қарашли бўлган моддий маданий мерос объекти йўқотилса унинг ўрни тўлдириб бўлмаслигини ҳамда унинг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олиб, уни сақлаб туриш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетмаслигини таъминлаш мажбуриятини зиммасига юклаган ҳолда бошқа шахсларга мерос қолдириши ёки ҳада қилиши мумкинлиги, моддий маданий мерос объектнинг мулкдори бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўзига қарашли бўлган моддий маданий мерос объектини фақатгина тегишли давлат муассасаларига сотиши мумкинлигини белгилаш асослаб берилган;

миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари бўйича олди-сотди ёки ҳада битимлари тузилганда сотиб олувчи ёки ҳада олувчи ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан сотувчи ёхуд ҳада қилувчида бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетмаслигини таъминлаши шартлиги асосланган;

миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари васият ёки қонунга биноан мерос қилиб олинганда меросхўр ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан мерос қолдирувчида бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетмаслигини таъминлаши шартлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳада ва хайр-эҳсон муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш асосланган;

ҳада шартномасининг ўзида муқобил мажбурият назарда тутилган бўлсагина уни ҳақиқий эмас деб топиш лозимлиги исботланган;

«оддий совға» қийматини белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабаридан ортиқ бўлмаган миқдорда аниқ қилиб белгилаш лозимлиги ва бу орқали жиноят ва фуқаролик қонунлари ўртасидаги зиддиятлар ҳамда

тармоқлараро қарама-қаршиликларни бартараф этиш мумкинлиги асослантилган;

ҳадяни бекор қилишда ҳадя олувчининг ношукурлиги анча кенгрок кўламда талқин этилиши, шу жумладан, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг ўзи ва яқин қариндошларига нисбатангина эмас, балки унинг мол-мулкига нисбатан содир этадиган ошкора ношукурчиликнинг ҳар қандай кўринишларини ҳам қамраб олиниши ҳамда ҳадя олувчининг ҳадя бекор қилингани тўғрисидаги талаб тақдим этилган пайтдан бошлаб шу ашё туфайли олган даромадини ҳам қайтариши лозимлиги исботлаб берилган;

ҳадя қилинган ашёлардаги очик кўриниб турган камчиликлар учун ҳадя қилувчини асоссиз равишда жавобгар бўлиб қолишининг олдини олиш ва у айнан қандай камчиликлар учун жавобгар эканлигини аниқ белгилаш шартлиги асослантилган;

суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига, улар томонидан чиқариладиган қарорларга салбий таъсир ўтказилишини олдини олиш масадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларида иши терговда, судда бўлган ёки жазо муддатини ўтаётган шахслардан хайр-эҳсон олинишига йўл қўйилмаслиги лозимлиги исботлаб берилган;

ширкат иштирокчиси ўз хоҳишига қараб устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини ширкатнинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли эканлиги, улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиши лозимлиги асослаб берилган;

фуқаровий қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари мерос қолдирилганда ёки ҳадя қилинганда агарда меросхўрда ёки ҳадя берилаётган шахсда мазкур турдаги қуролни олишга доир рухсатнома мавжуд бўлмаган тақдирда Ички ишлар органларига уч кунлик муддатда қуролни вақтинчалик сақлаш учун топшириши ва ўн кунлик муддатда рухсатнома олиш учун ҳужжатларни тақдим этиши лозимлиги асослантилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, хорижий тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундаки, изланишлар натижасида билдирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар фуқаролик ҳуқуқининг назарий билимларини бойитади ва янги илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади ҳамда ундаги илмий-назарий ғоя ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ўрганишда илмий аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда, «Фуқаролик ҳуқуқи», «Мажбурият ҳуқуқи» ва «Шартномалар ҳуқуқи» фанларини ўқитишда ва ушбу фанлар бўйича ёзиладиган дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини яратишда ҳамда маъруза матнларини, ўқув курсларининг дастурларини тузишда, илмий-тадқиқот ишларида ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкида бўлган моддий маданий мерос объектлари йўқотилса унинг ўрни тўлдириб бўлинмаслигини ҳамда унинг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тасарруф этилиши лозимлиги тўғрисидаги концептуал ғоя ва таклифлар «Юриспруденция» йўналиши талабалари учун тайёрланган «Конституциявий ҳуқуқ» дарслиги (XIV-Боб 3-§. Фуқароларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти)да ўз ифодасини топган (ЎЗР ОЎМТВ нинг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, 654-227-сонли ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар, магистрлар, илмий тадқиқотчилар, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқини қўлловчи амалиёт ходимларининг билим ва ўқув кўникмаларини ривожланишига ҳисса қўшган;

муаллифлик ёндашуви асосида жиноят ва фуқаролик қонунлари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар оқибатида вужудга келувчи тармоқлараро ҳуқуқий қарама-қаршилиқларни бартараф этиш ҳамда фуқаролик ва жиноят қонунчилиги нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммадаги оддий совғалардан ташқари ҳада таъқиқлаш бўйича ишлаб чиқилган қоида асосида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси лойиҳасига «Ҳада таъқиқлаш» тўғрисида норма киритилди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг 2020 йил 22 июндаги 1/3-2-8-сонли хати). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ҳуқуқ соҳалари ўртасидаги тармоқлараро қарама-қаршилиқларни бартараф этишга, фуқаролик ва жиноят қонунчилиги нормалари тўғри қўлланилишини таъминлашга ҳамда ҳада муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

моддий маданий мерос объектининг мулкдори бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўзига қаршли бўлган моддий маданий мерос объекти йўқотилса унинг ўрни тўлдириб бўлмаслигини ҳамда унинг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олиб, уни сақлаб туриш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетмаслигини таъминлаш мажбуриятини зиммасига юклаган ҳолда бошқа шахсларга мерос қолдириши ёки ҳада қилиши

мумкинлиги, моддий маданий мерос объектнинг мулкдори бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўзига қарашли бўлган моддий маданий мерос объектини фақатгина тегишли давлат муассасаларига сотиши мумкинлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 269-П-сон «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 04/5-05-32-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши жисмоний ва юридик шахслар мулкида бўлган маданий мерос объектини мерос қолдириш, ҳада ёки олди-сотди қилишни аниқ ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари бўйича олди-сотди ёки ҳада битимлари тузилганда сотиб олувчи ёки ҳада олувчи ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан сотувчи ёхуд ҳада қилувчида бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетмаслигини таъминлаши шартлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-177-сон «Музейлар тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддаси 1-қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 04/5-05-32-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳада ва олди-сотди қилишни аниқ ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари васият ёки қонунга биноан мерос қилиб олинганда меросхўр ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан мерос қолдирувчида бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетмаслигини таъминлаши шартлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-177-сон «Музейлар тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддаси 2-қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 04/5-05-32-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини мерос қолдиришни аниқ ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та жумладан, 3 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 1 та дарслик (хаммуаллифликда), 4 та ўқув қўлланма, 16 та мақола (11 та республика ва 5 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 255 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ҳадя муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг умумий тавсифи»** деб номланиб, унда ҳадя муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва генезиси, ҳадя муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишда миллий ва хорижий тажрибанинг қиёсий таҳлили ҳамда уни такомиллаштириш масалалари, ҳадя муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси сифатида шартноманинг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *«Ҳадя муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва генезиси»* деб номланган биринчи параграфда муаллиф томонидан адабиётларни таҳлил қилиш асосида ҳадя муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг тарихий ривожланиши қадимги Рим давлати давридан бугунги кунга қадар ёритиб берилган ва ҳар бир даврдаги ҳадя муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Ҳадя қадимги Рим давлатининг республика давридаёқ (милoddан аввалги V-I асрлар) мулк ҳуқуқи вужудга келишининг асосларидан бири сифатида тан олинган. Мазкур институтнинг тарихи император Цинций қонунларига (550 й.) бориб тақалиб, милoddнинг I асридан бошлаб қадимги Рим империяси ҳуқуқшунослари мулкни текинга бошқа шахс ҳисобига ўтказишни ҳадя сифатида эътироф эта бошлашган.

Рим ҳуқуқида шаклланган ҳадя муносабатларининг ҳуқуқий асослари моҳиятан мусулмон ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топган. Ислом дунёсидаги буюк фикшшунослар Муҳаммад бин Аҳмад бин Абу Сахлас-Сарахсийнинг «ал-Мабоут», Юсуф ал-Ҳусайн ас-Самарқандийнинг «Милтакат насири», Шайхул

Ислом Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарларида ҳадя муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқида ҳадя – «ҳиба» дейилиб, «фиқх қошинда ўзининг мулкинда бўлган нарсани ёт кишига баробарина нарса олмасдан мулк қилиб бермоқдир», деб таърифланади.

Собиқ совет қонунчилигининг ҳадя шартномасига нисбатан дастлабки муносабати салбий бўлган. Йирик бойликлар алоҳида шахслар қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида ҳадя шартномаси шакли ҳамда ҳадя этиш мумкин бўлган энг катта миқдорни белгилаб, 10000 рублдан юқори миқдордаги мулкни ҳадя қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилди. Кейинчалик қабул қилинган собиқ Иттифоқ Гражданлик кодексларида ҳам ҳадя чекланган тусга эга бўлган.

Иқтисодий ислохотларни ўтказиш вақтида эскириб қолган ва бозор муносабатларига мос келмайдиган фуқаролик қонун ҳужжатлари мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар йўлига тўғаноқ бўлмаслиги лозим эди. Шу сабабдан ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Унинг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди ва 1997 йил 1 мартдан кучга киритилди. Амалдаги Фуқаролик кодексининг «Мажбуриятларнинг айрим турлари»га бағишланган III бўлимида 502-511 моддаларни ўз ичига олган «Ҳадя» тўғрисида махсус 31-боб ўз ифодасини топди ва ҳадя муносабатлари кенг маънода қўлланилиб, ҳуқуқий тартибга солина бошланди.

«Ҳадя муносабатларининг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши: миллий ва ҳорижий тажрибанинг қиёсий таҳлили ҳамда уни такомиллаштириши масалалари» деб номланувчи ушбу бобнинг иккинчи параграфида МДҲ давлатларидан Украина, Грузия, Россия Федерацияси, Латвия, Қозоғистон ҳамда ривожланган мамлакатлар Исроил, Швейцария, Германия, Квебек (Канада), Франция давлатлари қонунчилигида ҳадя муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб чиқилган.

Тадқиқотчи хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигидаги ҳадя муносабатларини тартибга солувчи нормаларининг таҳлилидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни илгари сурган:

Биринчидан, миллий ва хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигидаги ҳадя тушунчасини очиб берувчи нормаларининг таҳлиliga назар ташлайдиган бўлсак Германия Фуқаролик тузуклари ва Франция фуқаролик кодексларида ҳадя олувчининг розилиги норматив қоида сифатида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида ҳадя шартнома сифатида тан олинсада норматив қоида сифатида ўз ифодасини топмаган. Бизнинг фикримизча, Германия ва Франция тажрибасидан келиб чиқиб, ҳадя олувчининг розилигини норматив шаклда ифодалаш ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида ҳадя олувчининг розилигини ифодаловчи ҳадя тушунчасини бериш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Германия, Квебек (Канада) ва Франция фуқаролик қонунчилигида ҳадяни бекор қилиш асоси сифатида ҳадя олувчининг

ношукурчилигини ҳар қандай кўриниши қамраб олинган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида эса фақатгина ҳады олувчи ҳады қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳоллар назарда тутилган. Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 507-моддасида ҳадыни бекор қилиш асоси сифатида ҳады олувчининг ҳар қандай кўринишдаги қўпол ношукурчилиги назарда тутилиши лозим.

Учинчидан, ҳозирги вақтда миллий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жиноят қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти фуқаролик ҳуқуқига чекланиб қолишига олиб келадиган даражада тазйиқ ўтказмоқда. Хусусан, миллий қонунчилигимизда ҳады билан пора ўртасида чегаранинг белгиланмаганлиги жиноят ва фуқаролик қонунлари ўртасида зиддиятларни вужудга келтириб, тармоқлараро ҳуқуқий қарама-қаршилиқларни юзага чиқармоқда. Мазкур қарама-қаршилиқлар фуқаролар хатти-ҳаракатини баҳолашга нисбатан турлича ёндашувларни келтириб чиқаради, бу ёндашувлар эса ўз навбатида амалда қўлланилиши қийин, баъзан беқарор ва шу сабабли натижасини аввалдан айтиб бўлмайди. Кўрсатиб ўтилган тармоқлараро қарама-қаршилиқларни бартараф этиш ҳамда фуқаролик ва жиноят қонунчилиги нормаларини тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Франция ва Квебек (Канада) тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ҳады шартномасини тартибга солувчи бобига ҳадыни таъқиқловчи норма киритилиши ва унда мансабдор шахслар, шунингдек, давлат ташкилоти ёки бошқа ташкилотларда бошқарувчилик вазифасини бажараётган шахслар учун, одатдаги совғалардан ташқари, ҳады олиш унинг мақсади ҳамда туридан қатъи назар таъқиқланади, деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

«Ҳады муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси сифатида шартноманинг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни ва аҳамияти» деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи параграфида муаллиф ҳады муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси сифатида шартноманинг ўзига хос хусусиятларини, ҳады муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда шартноманинг роли ва аҳамиятини атрофлича ёритиб берган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ҳады муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида ҳады шартномаси тушунчаси, шакли, тузиш тартиби ва мазмуни»** деб номланиб, унда ҳады шартномаси тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, предмети, ҳады шартномасининг шакли ва тузиш тартибини такомиллаштириш, ҳады шартномаси тарафлари ҳамда уларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи *«Ҳады шартномаси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари»*га бағишланган бўлиб, унда ўрганилаётган масала бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Хусусан, тадқиқотчи олимлар (И.В.Елисеев, В.В.Витрянский, М.И.Брагинский, Х.Раҳмонқулов, И.Анортоев, В.А.Тарахов, Е.А.Суханов, М.Г.Масевич, А.Л.Маковский, М.А.Усмонова, О.С.Иоффе, К.П.Победоносцев, П.Ф.Шершеневичлар)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида ҳады шартномасининг ўзига хос белгилари ва хусусиятларини

очиб бериб, ҳадя шартномасига қуйидаги муаллифлик таърифини берган: «Бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб бериши ёки бериш мажбуриятини олиши ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни бериши ё бериш мажбуриятини олиши ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкӣ мажбуриятдан озод қилиши ёинки озод қилиш мажбуриятини олиши, бошқа тараф (ҳадя олувчи) эса ашёни ёки мулк ҳуқуқини қабул қилиши ёхуд қабул қилиш мажбуриятини олиши ёинки мажбуриятдан озод қилишга розилик билдириши ҳадя шартномаси ҳисобланади».

Бундан ташқари тадқиқотчи томонидан шартноманинг ўзида муқобил мажбурият мавжуд бўлсагина ҳадя ҳақиқӣ эмас деб топилиши лозимлиги илмӣ-амалий жиҳатдан асослантириб берилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «*Ҳадя шартномасининг предмети*»га бағишланган бўлиб, унда тадқиқотчи ҳадя шартномасининг предметиға қирувчи ашёлар, қимматли қоғозлар, мол-мулклар, талаб қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятдан озод қилиш қабиларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берган. Тадқиқотчи олимлар (М.Г.Масевич, И.Анортоев, И.В.Елисеев, У.Маттеи, Е.А.Суханов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Қ.Н.Назаровлар)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида қонун моддий олам предметлари сифатида ашёлар қаторида номоддий «ашёлар» ҳам мавжудлигини эътироф этишини, бу эса моддий олам предметлари сифатида ашёлар билан мулкӣ ҳуқуқлар ўртасидаги чегара етарли даражада аниқ эмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, диссертацияда олимлар (А.Л.Маковский, В.В.Витрянский, О.Оқюлов, И.Б.Зокиров, О.Н.Садиқовлар)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида қарздан воз кечиш билан ҳадянинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилиб, қарздан воз кечиш мажбурият бўйича аввал тузилган, ҳақ тўлаш кўзда тутилган битимнинг шарт-шароитлари ўзгариши оқибатида юзага келувчи янги битим ҳисобланиши ва шунга асосланиши боис ҳам кўп ҳолларда қарздан воз кечиш мулкӣ манфаат тақдим этилишиға қараб амалға оширилиши, ҳадыда эса асосӣ мақсад – қарздорни бойитиш нияти кўзда тутилиши илмӣ-амалий жиҳатдан асослантириб берилган. Қарздан воз кечиш бир томонлама битим ҳисобланиб, предмети қарздан воз кечиш бўлган ҳадя шартномаси эса икки томонлама битим ҳисобланади ва ҳадя олувчи уни қабул қилиш пайтида хоҳиш-иродасини албатта билдириши талаб этилади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «*Ҳадя шартномасининг шакли ва тузиш тартибини такомиллаштириш*»га бағишланган бўлиб, унда ҳадя шартномасининг оғзаки ва ёзма (оддий ёзма, нотариал тасдиқланадиган ва давлат рўйхатидан ўтказиладиган) шакллари, реал ва консенсуал шакллари, ҳадя шартномасини тузиш тартиби атрофлича таҳлил қилинган ва такомиллаштириш бўйича илмӣ-амалий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «*Ҳадя шартномаси тарафлари ҳамда уларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари*» деб номланувчи иккинчи бобининг учинчи параграфида ҳадя шартномасининг тарафлари сифатида иштирок этадиган жисмонӣ ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ҳуқуқӣ ҳолати илмӣ-назарӣ жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда олимлар (М.Баратов И.В.Елисеев Ҳ.Раҳмонқулов

В.В.Витрянский Ю.А.Тихомировлар)нинг фикрини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келинган: «Фуқаролик муомаласида билвосита қатнашган ҳолларда давлат (масалан, давлат унитар корхонаси) ҳада қилувчи ва ҳада олувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Давлат фуқаролик муомалаларида бевосита (ўзига хос юридик шахслар сифатида эмас, балки давлатнинг алоҳида вакиллари сифатида иш кўрувчи давлат ҳокимияти органлари орқали) қатнашган ҳолларда эса уни ҳадининг оддий шартномалари бўйича ҳада олувчилар сафидан чиқариб ташлашга тўғри келади, аммо унинг хайр-эҳсон шартномаси бўйича ҳада олувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи сақланиб қолади».

Диссертациянинг учинчи боби «**Ҳада шартномасининг ўзига хос алоҳида турлари**» деб номланиб, унда муомалада бўлиши чекланган фуқаролик ҳуқуқи объектларини ҳамда юридик шахслар устав фондидаги улуш (қўшилган ҳиссалар)ни ва қимматбаҳо қоғозларни ҳада қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ҳада шартномасининг бир тури сифатида хайр-эҳсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг «*Муомалада бўлиши чекланган фуқаролик ҳуқуқи объектларини ҳада қилишнинг ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган биринчи параграфида валюта бойликлари, қурол, маданий мерос объектлари, музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳада қилишнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Тадқиқотчи томонидан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, Ўзбекистон халқи маданий меросини асраб-авайлаш мақсадида айрим ашёларнинг фуқаролик муомаласида бўлишини (хусусан, ҳада қилишни) ҳуқуқий тартибга солишда айрим чекловлар ўрнатилиши мумкинлиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослантирилган.

Мазкур бобнинг «*Юридик шахслар устав фондидаги улуш (қўшилган ҳиссалар)ни ва қимматбаҳо қоғозларни ҳада қилишнинг ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган иккинчи параграфида юридик шахслар устав фондидаги улуш (қўшилган ҳиссалар) ва қимматбаҳо қоғозларни ҳада қилишни ҳуқуқий тартибга солиш атрафлича илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи олимлар (И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов, Қ.Мехмонов, В.Р.Топилдиев, В.Эргашевлар)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосани илгари суради: «Хўжалик ширкати иштирокчиси ўз хоҳишига кўра, бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз ўз улушига бўлган мулк ҳуқуқини ҳада қилиши, мерос қолдириши ёки бошқача усулда текинга ёхуд ҳақ эвазига тасарруф қилиши мумкин ва бунда ҳақ эвазига тасарруф этилганда бошқа иштирокчиларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига амал қилади. Агарда улушли мулк иштирокчиси улушли мулкни тасарруф этмоқчи бўлса, фақатгина қолган иштирокчиларнинг розилиги билангина амалга ошириши мумкин».

«*Ҳада шартномасининг бир тури сифатида хайр-эҳсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган иккинчи бобнинг учинчи параграфида хайр-эҳсон тушунчаси, унинг ўзига хос

хусусиятлари ва хайр-эҳсон муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиниши илмий-назарий ва амалий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи олимлар (М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, М.Г.Масевич, М.Баротов, А.Эрделевский, И.Анартаев, И.Б.Зокиров, И.В.Елисеевлар)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосани илгари суради: «Одатдаги ҳады шартномасидан фарқли ўлароқ хайр-эҳсон шартномаси ашё ва ҳуқуқ берилишини ўз ичига олгани ҳолда мажбуриятдан озод қилишни истисно этади. Бунинг сабаби эса аниқ: мажбуриятдан озод қилиш умумманфаатлар учун эмас, балки бевосита ҳады олувчининг шахсий манфаатлари учун амалга оширилади».

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ҳады шартномасини бекор қилиш тартиби ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари»** деб номланиб, унда ҳады шартномасини умумий асосларда бекор қилиш, бажариб бўлинган ҳады шартномасини бекор қилиш, ҳады шартномаси тарафларининг жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг *«Ҳады шартномасини умумий асосларда бекор қилиш»* деб номланувчи биринчи параграфида қайд этилишича, ҳар қандай ҳады шартномасининг асосий мақсади ҳады қилувчининг ҳады олувчига бирон нарсани совға қилиш нияти ҳисобланади. Бу чиндан ҳам муҳим ҳуқуқий белги бўлиб, ҳады қилувчининг ҳады предметини ҳады олувчининг мулкига текинга ўтказишни кўзда тутаяди. Яъни, ҳадыга мувофиқ мулк ҳуқуқи ҳады олувчига узил-кесил ўтганда ҳады шартномаси ҳады қилувчи томонидан тўлиқ бажарилганини англатади. Бошқача айтганда, ҳады шартномасини у тўлиқ бажарилгунча, яъни, ҳадыга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳады олувчига ўтгунига қадар тўхтатиш мумкин, ҳолос. Акс ҳолда шартнома ижро этиб бўлинади ва уни тўхтатиш мумкин эмас, чунки, юридик ҳодиса содир бўлади.

Диссертант олимлар (И.Анортюев, М.Г.Масевич, М.Н.Малеин, И.В.Елисеевлар)нинг фикрлари ва ривожланган давлатлар (Испания, Франция, Квебек, Германия)нинг ҳуқуқий амалиётини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келади: «ЎзР ФК 506 ва 507-моддалари ҳады олувчи ҳады қилувчи ва унинг яқин қариндошларига нисбатан жиноий ҳаракатларни амалга оширган тақдирдагина ҳады шартномасини бажаришни тўхтатишга йўл қўяди. Бироқ ҳады қилувчига нисбатан кўпол муомалада бўлиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик характердаги ҳаракатларни амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто унинг мол-мулкига нисбатан шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисида ҳам ҳеч нарса демайди. Айни пайтда ҳады олувчи ҳады қилувчига нисбатан кўпол, ношукурчилик ҳаракатларини содир этган ҳолларда ҳады қилувчига ҳадыга оид мажбуриятларини бажармаслик ҳуқуқини бериш кўплаб мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари учун умумий қоида сифатида қабул қилинган. Шу асосда ЎзР ФК 506 ва 507-моддалари анча кенгроқ кўламда талқин этилиши, шу жумладан, ҳады олувчи ҳады қилувчининг ўзи ва яқин қариндошларига нисбатангина эмас, балки унинг ўзи ва мол-мулкига нисбатан содир этадиган ошкора ношукурчиликнинг ҳар қандай кўринишларини ҳам қамраб олиши керак».

Ушбу бобнинг «*Бажариб бўлган ҳадя шартномасини бекор қилиш*»га бағишланган иккинчи параграфда қайд этилишича, ҳадя шартномасига нисбатан билдирилган фикрларнинг моҳияти шундан иборатки, ЎзР ФК 507-моддаси махсус ишлаб чиқилган. Ҳадя қилувчининг ҳуқуқи ёки манфаатдор шахснинг талаби шундай ҳуқуқки, улар ундан фойдаланишлари ёки фойдаланишдан воз кечишлари ҳам мумкин. Бироқ ҳақиқий бўлмаган битим амалга оширилган пайтдан бошлаб суд қарор чиқаргунига қадар бўлган муваққат ҳуқуқий оралиқ унинг қатнашчиларига суд амалиёти таҳлили бўйича соф иқтисодий мақсадларни кўзлаган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа қатнашчилари учун зарур бўлган ҳуқуқий оқибатларни яратишга имконият беради. Бу ҳуқуқий оқибатлар эса асосан, баъзан битимларнинг бутун бошли бир гуруҳини (шу жумладан, ҳадя шартномаси ҳам) тузиш орқали қонуний вакилларни мулкӣ ҳуқуқлардан маҳрум қилиб, кейинчалик мулкни ҳалол мулкдорлар фойдасига ўтказишдан иборат.

«*Ҳадя шартномаси тарафларининг жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш*» деб номланган ушбу бобнинг учинчи параграфда қайд этилишича, ҳақ эвазига тузиладиган шартномалардан фарқли равишда ҳадя шартномасида тарафларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги масалани тартибга солиш ўзига хос жиҳатлари билан анча фарқланади. Бу ўринда ҳадя қилувчи шартнома бўйича ашё, ҳуқуқни бериш ёки мажбуриятдан озод қилиш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармагани ёки лозим даражада бажармаганига доир жавобгарликни таҳлил этишга тўхталиб ўтиш зарур.

Диссертантнинг фикрича ҳадянинг текинлик белгиси мазкур институтнинг ўзига хос кўплаб хусусиятларини очиб беради. Ҳадя текинга берилиши сабабли ҳам ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларнинг айрим турлари (масалан, олди-сотди шартномаси) учун муайян камчиликлар аниқланганда жавобгарлик тўғрисида белгиланган махсус қоидаларни ҳадя қилувчига нисбатан қўллашни истисно қилади. Ҳадя қилувчининг жавобгарлигини бу тарзда енгиллатиш ўз манфаатини, бирон-бир фойда олишни кўзлаб зиммасига олган мажбуриятини бажараётган шахсга қўлланувчи қатъий талабларни, саҳийлиги ва олижаноблиги туфайли бирон нарчасини текинга бераётган шахсга нисбатан қўллаб бўлмаслигидек табиий ва ҳаққоний мулоҳаза билан изоҳланади.

Диссертацияда олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулоса илгари сурилади: «Қонунда ҳадя қилувчининг ҳадя олувчи олдидаги мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун жавобгарлигини ҳадя қилувчи айбнинг шакллари ва даражаларини (масалан, енгил (оддий) эҳтиётсизликни истисно этганда, қасд ва қўпол эҳтиётсизлик қилиш шаклидаги айбини), шунингдек ҳадя олувчининг фуқаролик ҳуқуқлари бузилгани оқибатида етказилган зарарни қоплаш ҳажмини аниқлаштирган ҳолда кўрсатиш лозим».

ХУЛОСА

Ҳада муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни комплекс тадқиқ этиш ва бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида қуйидаги концептуал хулосалар қилинди ва тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Ҳада шартномаси тушунчаси бошқа шартномалардан ажратиб турувчи қуйидаги ўзига хос белгиларининг мазмун-моҳияти таҳлили асосида очиб берилди:

- ҳада шартномасининг асосий белгиси унинг текинлигидир. Ҳада шартномаси текинга тузиладиган шартнома бўлиб, мулкни топшираётган тараф бунга жавобан бошқа тарафдан ҳеч қандай эквивалент (на ҳуқуқ ва на мулк) олмайди;

- ҳада қилувчининг мулки камайиши ҳисобига ҳада олувчининг мулки кўпайиши ҳам ҳадыннинг муҳим белгисидир. Ҳада олувчи мулкнинг ҳажми ҳада қилувчи унга ашё ёки мулк ҳуқуқини бериши ёхуд уни мажбуриятдан озод қилиши билан ҳам кўпаяди. Шу сабабли, шартнома ҳада бўлиши учун пировард натижада ҳада олувчини бойитиши, яъни мулкни кўпайтириши зарур. Демак, шартноманинг бевосита мақсади ҳам ҳада олувчининг мулкни кўпайтиришга йўналтирилган бўлади ва шартноманинг зарурий шарти ҳисобланади;

- ҳада қилувчида ҳада олувчига бирон нарса бериш нияти борлиги ҳам ҳада шартномаси белгиси ҳисобланиб, уни ўз мулки ҳисобидан амалга ошириши ва шу йўл билан уни бойитиши ҳада қилувчи ҳада олувчининг миннатдорчилиги бўлмаса ҳам ҳар қалай хайрихоҳлигидан маълум даражада умидвор бўлишига асос бўлади;

- ҳада олувчининг ҳада олишга розилиги ҳар қандай ҳада шартномаси ҳақиқийлигининг зарурий белгиси бўлиб, бу талаб шартнома моҳиятидан келиб чиқади. Шартноманинг текинга тузилиш табиати ҳада олувчининг ҳада қилувчига қабул қилишга розилигини олишда унинг хоҳиш-иродасига таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

1.2. Ҳада тушунчасига бугунги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «Бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб бериши ёки бериш мажбуриятини олиши ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни бериши ё бериш мажбуриятини олиши, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулк мажбуриятдан озод қилиши ёнки озод қилиш мажбуриятини олиши, бошқа тараф (ҳада олувчи) эса ашёни ёки мулк ҳуқуқини қабул қилиши ёхуд қабул қилиш мажбуриятини олиши ёнки мажбуриятдан озод қилишга розилик билдириши ҳада шартномаси ҳисобланади».

1.3. Қарздан воз кечиш ва ҳада бир-биридан мустақил битимлар эканлиги ҳамда уларни бир-биридан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан очиб берилди. Хусусан, қарздан воз кечиш мажбурият бўйича аввал тузилган, ҳақ тўлаш кўзда тутилган битимнинг шарт-шароитлари ўзгариши оқибатида юзага келувчи янги битим ҳисобланади ва шунга асосланади. Шу сабабли ҳам кўп ҳолларда қарздан воз кечиш мулк манфаат тақдим этилишига қараб амалга оширилади, ҳадада эса асосий мақсад – қарздорни бойитиш ниятини кўзда тутади ва у мутлақо текин хусусият касб этади.

1.4. Ҳадя шартномасидаги қоидаларни бир хил шарҳлаш ҳамда қўллаш, ҳадя шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини такомиллаштириш мақсадида ҳадя шартномасининг ўзида муқобил мажбурият бўлсагина ҳақиқий эмас деб топилиши илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

1.5. Ҳадяни бекор қилиш асослари янада бойитилиб, унда нафақат ҳадя олувчи томонидан ҳадя қилувчи, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётига ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилиши, шунингдек, ҳадя қилувчининг ор-номуси, кадр-қиммати ёки мол-мулкига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этиши ҳам ҳадяни бекор қилишга асос бўлиши лозимлиги илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

1.6. Ҳадя шартномаси текинга тузилишини назарда тутган ҳолда ҳадя қилувчининг зиммасига ҳақ тўлаш кўзда тутилган шартномалар бўйича қарздорлар бўйнига қўйилувчи жавобгарликка нисбатан камроқ жавобгарликни юклаш лозимлиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослантирилган. Бунда ҳадя қилувчининг ҳадя олувчи олдидаги мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун жавобгарлиги айбнинг шакллари ва даражаларини (масалан, енгил (оддий) эҳтиётсизликни истисно этганда, қасд ва қўпол эҳтиётсизлик қилиш шаклидаги айбини), шунингдек ҳадя олувчининг фуқаролик ҳуқуқлари бузилгани оқибатида етказилган зарарни қоплаш ҳажмини аниқлаштирган ҳолда кўрсатиш таклифи ишлаб чиқилди.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини

такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 180-моддаси 2-қисмини қуйидаги қўшимча билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: «Муассаса даромад келтирадиган фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулкни мустақил тасарруф этиши мумкин». Чунки, тадбиркорлик билан шуғулланишига руҳсат этилган муассаса шу фаолиятдан олган даромад ҳисобига сотиб олган мулкни тасарруф этиши ва ўз навбатида шундай мулк қаерга – мулкдор ҳисобига ёки ўзининг (ёки меҳнат жамоасининг) мулкига ўтказилиши узил-кесил белгиланиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 348-моддасини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Қарз борлиги ҳақида баҳс бўлмаган ҳолларда тарафларнинг ўзаро келишуви билан кредитор қарздорни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан озод қилиши билан, агар бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади». Чунки, кредитор қарздан воз кечиши орқали муайян юридик ҳаракатни бажаради, бу эса нафақат кредитор, балки қарздор (шунингдек, учинчи шахслар)нинг фуқаролик ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тўхташига олиб келади, яъни уларнинг манфаатларига бевосита ўз таъсирини ўтказади. Агар қарздор кредиторнинг бу хил хоҳиш-иродасига кўнмаса, мисол учун, бу ҳол унинг шаъни, кадр-қиммати ва обрў-эътиборига путур етказиши мумкин. Қарздорнинг юридик тақдири унинг хоҳиш-иродасисиз, балки кредиторнинг хоҳиш-иродасию мол-мулкни тикиштириш орқали ҳал этилиши мумкин ва бу унинг манфаатларига зид келади. Шу сабабли ҳам тегишли миқдордаги қарз қарздорнинг зиммасидан

соқит қилиниши учун унинг розилиги шарт ҳисобланиб, қарздан воз кечиш уни амалга ошириш учун кредитор билан қарздор ўртасида келишувга эришиш зарур бўлган икки томонлама битим сифатида баҳоланиши керак.

3. Хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигидаги ҳады тушунчасини очиб берувчи нормаларининг таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Ҳады шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳады қилувчи) бошқа тараф (ҳады олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкый мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади, бошқа тараф (ҳады олувчи) эса ашёни ёки мулк ҳуқуқини қабул қилади ёхуд қабул қилиш мажбуриятини олади ёинки мажбуриятдан озод қилишга розилик билдиради». Норманинг ушбу таҳрирда ифодаланиши, биринчи навбатда, ҳадыни шартнома сифатидаги тушунчасини тўла қамраб олиб, ҳады олувчининг розилиги белгисини тўла очиб беради ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги турли салбий ҳолатларнинг олдини олади.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 502-моддасининг 2-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, шартномада муқобил мажбурият мавжуд бўлганида у ҳады шартномаси деб тан олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 124-моддасининг иккинчи қисми қоидалари қўлланади». Ҳады шартномасини сохта битим деб топиш учун муқобил беришлар ҳақидаги шартлар шу шартноманинг ўзида кўзда тутилиши керак, бунда фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда хатти-ҳаракатларнинг оқилоналиги ва иштирокчиларнинг ҳалоллиги назарда тутилади. Бундан ташқари, ҳады шартномасини баҳолашда иштирокчилар ноҳалоллигини исботлаб бериш қийин, деярли мумкин эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 504-моддаси 5-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Кўчмас мулкни ҳады қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва бир ой муддатда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Турар жойларини ҳады қилишда шартнома шундай рўйхатга олинган пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади. Ушбу қоида келажакда ҳады этиш ваъда қилинган ҳолларга нисбатан қўлланилмайди». Бу муддат танлангани бежиз эмас. Биринчидан, у давлат рўйхатига олиш учун ҳады шартномаси билан биргаликда тақдим этиладиган барча зарур ҳужжатларни тўплаш учун етарли. Иккинчидан, айрим ҳужжатлар ва маълумотномаларнинг амал қилиш муддати чекланган, шу муддат ўтганидан кейин улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бунинг оқибатида эса ё шу ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтиришга ёки янги ҳужжатларни расмийлаштиришга тўғри келади. Бу эса ҳады қилувчи ёки ҳады олувчи учун ортиқча ҳаражатларни туғдириши мумкин. Учунчидан, шартномани рўйхатга олиш муддатини аниқ белгилаб қўйиш давлат идоралари ишини енгиллаштиради ва мулк ҳуқуқининг ўтиши жараёнини тартибга солади. Шунингдек, ҳады шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини ишончли таъминлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 505-моддаси 1-қисмини қуйидаги қўшимча билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: «Бу чеклаш белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабаридан ошмайдиган одатдаги совғаларга тааллуқли эмас». Бу орқали хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бошқарилаётган юридик шахс мулкдорининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади, юридик шахснинг эса хўжалик юритувидаги ёки оператив бошқарувидаги мол-мулкни тасарруф этиш чегараси аниқ белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига «Ҳадяни таъқиқлаш» деб номланган 505¹-моддасини киритилиши ва у қуйидаги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқ:

«Белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабаридан ортиқ бўлмаган суммадаги оддий совғалардан ташқари, қуйидагиларга:

1) муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари томонидан;

2) таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя ва шунга ўхшаш муассасалар, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун ташкил этилган муассасалар раҳбарлари ва ходимларига ушбу муассасаларда таълим олаётган, даволанаётган ёки ижтимоий ёрдам олаётган шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан;

3) Республика ҳамда маҳаллий давлат органларида давлат лавозимини эгаллаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банклари хизматчиларига уларнинг лавозим ва хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошираётган шахслар томонидан;

4) ўзаро шартномавий муносабатларда тижоратчи ташкилотлар томонидан ҳадя қилиш таъқиқланади.

Республика ҳамда маҳаллий давлат органларида давлат лавозимини эгаллаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банклари хизматчиларига расмий тадбирлар ва хизмат сафарлари билан боғлиқ равишда қилинган ҳадяларга ушбу модданинг биринчи қисмидаги қоидалар қўлланилмайди. Республика ҳамда маҳаллий давлат органларида давлат лавозимини эгаллаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банклари хизматчиларига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабаридан ортиқ миқдорда қилинган ҳадялар давлат мулки ҳисобланиб, эгаллаган лавозимлари бўйича тегишли бўлган органга далолатнома орқали топширилади.»

Ушбу таҳрирдаги норманинг киритилиши жиноят ва фуқаролик қонунлари ўртасидаги зиддиятлар оқибатида вужудга келувчи тармоқлараро ҳуқуқий қарама-қаршилиқларни бартараф этиш ҳамда фуқаролик ва жиноят қонунчилиги нормалари тўғри қўлланилишини таъминлайди.»

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 507-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Ҳадя олувчи ҳадя қилувчи, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётига ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилса, шунингдек, ҳадя қилувчининг ор-номуси, кадр-қиммати ёки мол-мулкига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этса ҳамда бу қилмишларини ўзи тан олса ёхуд суд орқали тасдиқланса, ҳадя қилувчи ҳадяни суд тартибида бекор

қилишга ҳақли». Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 507-моддаси 1-қисмида ҳадяни бекор қилиш асоси сифатида фақатгина ҳадя қилувчи ёки унинг яқин қариндошлари жисмоний даҳлсизлигига қаратилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ўзигина эътиборга олинган. Бироқ, ҳадя қилувчига нисбатан кўпол муомалада бўлиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик характеридаги ҳаракатларни амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто унинг мол-мулкига нисбатан шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисида ҳам ҳеч нарса дейилмайди. Айни пайтда ҳадя олувчи ҳадя қилувчига нисбатан кўпол, ношукурчилик ҳаракатларини содир этган ҳолларда ҳадя қилувчига ҳадяга оид мажбуриятларини бажармаслик ҳуқуқини бериш кўплаб мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари учун умумий қоида сифатида қабул қилинган. Хусусан, бу қоида Испания Фуқаролик кодексининг 648-моддасида, Франция Фуқаролик кодексининг 955-моддасида, Квебек Фуқаролик кодексининг 1836-моддасида, Германия Фуқаролик Тузуқларининг 530-§ параграфида ўз ифодасини топган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ФК 507-моддаси анча кенгроқ кўламда талқин этилиши, шу жумладан, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг ўзи ва яқин қариндошларига нисбатангина эмас, балки унинг мол-мулкига нисбатан содир этадиган ошқора ношукурчиликнинг ҳар қандай кўринишларини ҳам қамраб олиши керак.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 507-моддаси 6-қисмини куйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Ҳадя бекор қилинган тақдирда ҳадя олувчи ҳадя қилинган ашёни, агар у ҳадя бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, шунингдек, ҳадя бекор қилингани тўғрисидаги талаб тақдим этилган пайтдан бошлаб шу ашё туфайли олинган даромадни ҳам қайтариши лозим». Амалдаги Фуқаролик кодексига кўра, ҳадя бекор қилинганда ҳадя олувчи унга берилган ашёни, агар асл ҳолида сақланган бўлса, қайтариши шарт. Аммо унинг ортидан топилган даромад нима бўлиши ҳақида аниқ кўрсатма мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 92-моддаси ҳадя қилинган ашёдан фойдаланиш натижасида олинган ҳосил, тушум, маҳсулот, даромад кимга тегишли экани масаласини кўриб чиқар экан, ҳадя олувчининг фойдасига ҳал этган, аммо бу ҳолат қай маҳалгача давом этиши тўғрисида ҳеч нима демаган. Ҳадя қилувчи ҳадя бекор қилингани тўғрисидаги талабни тақдим этган пайтдан бошлаб ҳадя қайтарилгунча бўлган вақт оралиғида ҳадя олувчи шу ашё (ёки мулкӣ ҳуқуқ)нинг эгаси бўлиб қолаверади. Бироқ, шу вақт мобайнида ҳадя олувчининг ҳадяга нисбатан ҳуқуқи баҳс туғилишига боғлиқ ҳолда гумонли бўлиб қолаверади, бинобарин, ҳадя қилинган ашё (мулкӣ ҳуқуқ)дан тушаётган даромадга нисбатан ҳуқуқ энди кимга тегишли экани ҳам номаълумлигича тураверади. Таклиф этилаётган таҳрир мавжуд ҳуқуқӣ бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 509-моддасини куйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Ҳадя қилинган ашёдаги конструктив ва рецептуравий камчиликлар туфайли ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳадя олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳадя қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳадя олувчини огоҳлантирмаганлиги ҳамда қасд ёки кўпол эҳтиётсизлик қилганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу Кодекс 57-

бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳада қилувчи томонидан қопланиши лозим». Бунда ҳада қилинган ашёлардаги очиқ кўриниб турган камчиликлар учун ҳада қилувчини асоссиз равишда жавобгар бўлиб қолишининг олди олинади ҳамда у айнан қандай камчиликлар учун жавобгар эканлиги аниқ белгиланади ва норма турлича талқин қилинишининг олди олинади.

11. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 511-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларида иши терговда, судда бўлган ёки жазо муддатини ўтаётган шахслардан хайр-эҳсон олинishiга йўл қўйилмайди». Чунки, айрим ҳолатларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига, улар томонидан чиқариладиган қарорларга салбий таъсир ўтказишга, жиноят содир қилган шахслар тўғрисида жамоатчилик фикрини ўзгартириш ва шу орқали суд қорорларига таъсир ўтказиш мақсадида жиноят содир қилган шахслар номидан хайр-эҳсон ишлари амалга оширилиши мумкин. Норманинг таклиф этилаётган таҳрирда берилиши бундай ҳолатларни бартараф этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 511-моддаси 7-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсага зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модда олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсонни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради». Хайр-эҳсон қилинган мулк белгиланган мақсада фойдаланмагани ва эҳсон олувчининг айбини исботлаш зарур. Бунинг учун эса суд муҳокамасини ўтказиш керак. Акс ҳолда хайр-эҳсон қилувчи ёки унинг ворислари арзимас важларни сабаб қилиб шартномани бекор қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Норманинг таклиф этилаётган таҳрирда берилиши бундай ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонуни 18-моддасининг 2-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини мерос қилиб олиш ҳамда ҳадини топшириш меросхўрда ёки ҳада берилаётган шахсда мазкур турдаги қуролни олишга доир рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда, қурол Ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади. Агарда меросхўрда ёки ҳада берилаётган шахсда мазкур турдаги қуролни олишга доир рухсатнома мавжуд бўлмаган тақдирда Ички ишлар органларига уч кунлик муддатда қуролни вақтинчалик сақлаш учун топшириши ва ўн кунлик муддатда рухсатнома олиш учун ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш рад этилган тақдирда, меросхўр ёки ҳада берилаётган шахс ушбу қуролни фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали сотиши ёки Ички ишлар органларига текин топшириши ёхуд уни совға қилиши керак».

Ушбу нормада «ҳада этиш» жумласининг қўлланилиши фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини ҳада қилиш шартномасини тузиш учун ҳада олувчида мазкур

турдаги қуролни олишга доир рухсатнома мавжуд бўлиши шарт ва бундай шартномани тузишга давлат органлари рухсат беради деган фикрга олиб келади. Бизнинг фикримизча эса, фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини ҳадя қилиш шартномасини тузиш учун давлат органларидан рухсат олиш лозим деб ўйлаш, нотўғри бўлади. Чунки бу фуқаролик ҳуқуқи нормаларига зид келади. Шу асосда, мазкур 18-модданинг 2-қисми 1-хатбошиси тўғри қўланилишини ва аниқ талқин қилинишини таъминлаш учун «ҳадя этиш» жумласи ўрнига «ҳадяни топшириш» жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ҳадя олувчига қурол совға қилинганда ёки мерос қилиб қолдирилганда фуқаронинг рухсатномаси мавжуд бўлмаслиги мумкин, бироқ қурол совға қилинган ёки мерос қилиб олганидан кейин рухсатнома олиш учун ҳаракат қилиши ва давлат органларига ҳужжат топшириши мумкин. Агар фуқаро давлат органига тегишли ҳужжатларни топширса ва рухсатнома бермасликка асос топилмаса, демак бу шахс қуролни ҳадя ёки мерос сифатида қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин қанча муддатда давлат органларига ҳужжат топшириши масаласи Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонунда назарда тутилмаган. Бундан ташқари, ҳадя қилинган ёки мерос қилиб қолдирилган қурол вақтинчалик (ҳадя ёки мерос олувчи рухсатнома олгунча) қаерда сақланади деган ҳақли савол туғилади. Чунки, давлат органларининг рухсатномасиз ҳадя ёки мерос олувчи қуролни қабул қила олмайди. Билдирилган таклифлар бундай муаммоли ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонунда Фуқаровий қуролини олишга доир рухсатнома бериш ваколати Ички ишлар органларига берилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, Миллий гвардия органларининг Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бошқармалари мавжуд бўлиб, туман, маҳалла ва қишлоқ жойларида фуқаровий қуролини олишга доир рухсатнома бериш ваколатини амалга ошира оладиган ва уларни назорат қиладиган бўлинмалари мавжуд эмас. Ички ишлар органлари эса бу имкониятга эга бўлиб, фуқаровий қуролини олишга доир рухсатнома бериш ваколатини амалга ошира олади.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари тўрисида»ги қонуни 15-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: «Ширкат иштирокчиси ўз хоҳишига қараб устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини ширкатнинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли, улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилади». Ушбу нормани таклиф этилаётган таҳрирда берилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик ширкатлари тўрисида»ги қонун нормаларини бир-бирига мослаштиради ҳамда уларни турлича талқин қилинишини олдини олади.

**III. Ҳадя муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини
қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган
таклиф ва тавсиялар:**

1. Ҳадя шартномасининг реал ва консенсуал турлари ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиб, ҳадя олувчи ҳамда ҳадя қилувчи ўртасидаги муносабатларнинг амалда барча жиҳатларига дахлдор ФК 31-бобининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳадянинг реал шартномалиги тўғрисидаги умумий қоидани сақлаган ҳолда, консенсуал шартнома тузиш имкониятига ҳам йўл қўяди. Ҳадя шартномасининг бирон нарсани ҳадя этиш мажбуриятида акс этувчи айнан ана шу консенсуал тури Фуқаролик кодексида лозим даражада тартибга солинган. Шунга қарамай, барча фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни реал ва консенсуал турларга таснифлашнинг дихотомик тамойили ҳамма ҳолларни қамраб олмаслиги сабабли ҳам шартли кўринишга эга.

2. Ҳадя шартномасига нисбатан шартнома тузиш эркинлиги (ЎзР ФК 354-моддаси 1-қисми) қўлланилиши мутлоқ характерга эга эмас. Умумий қоида бўйича, қуйидаги ҳолларни истисно қилганда шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди: 1) шартнома тузиш мажбурияти ЎзР ФК да тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса; 2) бошқа қонунларда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса; 3) олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳолларда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Қуrol тўғрисида»ги қонуни 18-моддаси 2-қисмига мувофиқ, «Фуқаровий қуrolни олишга доир рухсатномани олиш рад этилган тақдирда, меросхўр ёки ҳадя берилаётган шахс ушбу қуrolни фуқаровий ва хизмат қуrolини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали сотиши ёки Миллий гвардия органларига текин топшириши ёхуд уни совға қилиши керак», Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги қонуни 23-моддаси 3-қисмига мувофиқ, «Агар сотиб олувчи, ҳадя олувчи ёки меросхўр Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига нисбатан ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминламаса, давлат ушбу ашёлар ва коллекцияларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақини тўлаб олишни амалга ошириш ҳуқуқига эга».

3. Ҳадя шартномаси тарафлари шартнома тузишда иккинчи тараф (контрагент)ни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида ҳам мутлоқ характерга эга бўлмай, қонун ҳужжатларида айрим истиснолар назарда тутилган бўлиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Қуrol тўғрисида»ги қонуни 18-моддаси 2-қисмига мувофиқ, «Фуқаровий қуrolни олишга доир рухсатномани олиш рад этилган тақдирда, меросхўр ёки ҳадя берилаётган шахс ушбу қуrolни фуқаровий ва хизмат қуrolини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали сотиши ёки Миллий гвардия органларига текин топшириши ёхуд уни совға қилиши керак». Ушбу норма таҳлилидан кўришимиз мумкинки, фуқаровий қуrolни олишга доир рухсатнома олиш рад этилган шахс ушбу қуrolни тасарруф этиши учун шартнома тузиши шарт бўлган тарафлар (субъектлар) доираси аниқ белгилаб берилмоқда.

4. Ҳадя шартномаси тарафлари ўз манфаатларига мос равишда шартнома шартларини эркин белгилаш ҳуқуқига эга. Бироқ, қонунчиликда ҳадя шартномаси тарафларининг шартнома мазмунини эркин белгилаш ҳуқуқига ҳам бир қатор чекловлар ўрнатилган. Ушбу чекловлар, энг аввало ЎзР ФК ва бошқа қонун

хужжатларидаги императив нормалар билан белгиланади. Акс ҳолда, қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим сифатида тўлиқ ёки унинг бир қисми ҳақиқий эмас деб топилади. Шартнома шартлари давлат томонидан тартибга солиниши қонун билан қатъий белгиланган ҳолатларда амалга оширилади. Хусусан, ЎЗР ФК 502-моддаси 4 ва 5-қисмларидаги қоидалар ҳада шартномаси учун императив хусусиятга эга. ЎЗР ФК 502-моддаси 4-қисмига мувофиқ, «Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкый мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарчасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳада этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас». ЎЗР ФК 502-моддаси 4-қисмига мувофиқ, «Ҳада яни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас».

5. Шартнома учун диспозитив нормалар алоҳида аҳамият касб этиб, ушбу нормалар тарафлар ўртасида ўзгача келишув бўлмаганда қўлланилади. Бундай нормалар кўпинча тўлдирувчи нормалар деб ҳам аталади. Чунки, мазкур нормалар тарафларни шартнома мазмунини белгилашда чекламасдан, шартномада назарда тугилмаган шартларни тўлдиради (ЎЗР ФК 354-моддаси 6-қисми). Бундан ташқари, тарафлар ўз келишуви билан диспозитив нормани қўлланилишини тўғридан-тўғри инкор қилган бўлса ёки мазмунан фарқ қилувчи шарт киритган бўлса диспозитив нормалар қўлланилмайди. Масалан, тарафлар ҳада шартномасида ҳада ваъда қилинган ҳада олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтиши тўғрисида келишиб қўйган бўлса, ушбу шартномага нисбатан ЎЗР ФК 510-моддаси 1-қисми қўлланилмайди. Шунингдек, тарафлар томонидан ҳада шартномасида ҳада беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтиши белгилаб қўйилган бўлса, ушбу шартномага нисбатан ЎЗР ФК 510-моддаси 2-қисми қўлланилмайди.

6. Хайр-эҳсоннинг энг оммавийлашган кўриниши жамоат фондларининг фаолиятидир. Жамоат фондларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, фонднинг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Жамоат фондлари хайр-эҳсон жалб қилиш учун номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, яъни оммавий оферта орқали мурожаат қилишади ва унга нисбатан ЎЗР ФК 369-моддаси қоидалари қўлланилади. Ушбу таклифларда ёки жамоат фонди уставида хайр-эҳсон қилинган маблағлар қайси мақсадлар учун сарфланиши белгиланади ва бу фуқаролар ўзлари хайр-эҳсон қилган маблағлар мақсадли сарфланаётганлигини назорат қилишлари учун муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ушбу назоратни амалга ошириш механизми қандай амалга оширилади деган савол туғилади. Бундай механизм қонунчилигимизда мавжуд, бироқ амалда деярли қўлланилмайди. Ушбу механизмни амалга учун жамоатчилик ўз вакиллари (ёки петиция) орқали расмий равишда жамоат фондининг васийлик кенгашига мурожаат қилиши лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунининг 26-моддаси

1-қисмига мувофиқ, фонднинг васийлик кенгаши фонднинг органи бўлиб, у фонд фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Ўз навбатида васийлик кенгаши тафтиш комиссиясининг фондни молиявий фаолияти ҳамда унинг пул маблағлари тўғри сарфланиши ва мол-мулкдан тўғри фойдаланилиши бўйича берган хулосаси асосида оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик учун ҳисобот бериши лозим. Ушбу механизм хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан фонд белгиланган мақсадларда фойдаланилишини ҳамда хайр-эҳсон шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

7. Бугунги кунда хайр-эҳсон билан боғлиқ долзарб масалалардан бири маданий мерос объектлари ҳисобланган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда фуқаролар томонидан аноним (яшириншча, махфий) тарзда амалга ошириладиган хайр эҳсон билан боғлиқдир. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда фуқаролардан қабул қилинадиган хайр-эҳсон одатда ҳудудда ўрнатилган эҳсон қутиларида амалга оширилиб, қадамжо ва зиёратгоҳ ходимлари томонидан йиғиб олинади. Бунда хайр-эҳсон қилувчилар доираси ва хайрия миқдорини аниқлаш имкони эса умуман мавжуд эмас ҳамда хайр-эҳсон қилинган маблағлар қандай мақсадларда сарфланганлиги мавҳум бўлиб қолади. Маълумки, ҳар бир хайр-эҳсон қилувчи инсон ўз хайриясини ҳар қандай мақсадда эмас, балки белгиланган мақсадларда (савобли ишларда, масалан, масжид, қадамжо ва зиёратгоҳларни таъмирлаш, ободонлаштириш ва ҳ.к.) фойдаланилишини истайди. Бироқ, буни назорат қилишнинг умуман имкони йўқ. Вахоланки, ЎзР ФК 511-моддасидан келиб чиқадиган бўлсак, хайр-эҳсоннинг асосий ҳуқуқий белгиси бу хайр-эҳсон олувчига хайр-эҳсон қилинган мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланиш мажбуриятининг юклатилиши бўлиб, ушбу мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши хайр-эҳсон берувчи томонидан назорат қилиниши лозим. Юқоридаги вазиятда ҳуқуқий бўшлиқ мавжудигини кўришимиз мумкин. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда фуқаролардан эҳсон қутиларида қабул қилинадиган хайр-эҳсонларни инкассация орқали муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ёки хайрия фондлари банк ҳисоб-варағига туширилишини таъминлаш лозим. Банк ҳисобварағларидаги маблағларнинг сарфланишини эса ҳар доим назорат қилиш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, хайр-эҳсон қилувчиларга хайр-эҳсон олувчилар томонидан маблағларни мақсадли сарфлаш мажбурияти лозим даражада бажарилишини назорат қилиш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ
ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЧОРИЕВ МУРОД ШОКИРЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ
ОТНОШЕНИЙ ДАРЕНИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА**

**12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право. Семейное право.
Международное частное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.3.DSc/Yu110.

Диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Рузиев Рустам Жабборович доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Усманова Мубарак Акмалджановна доктор юридических наук, профессор Топилдиев Бахромжон Рахимжонович доктор юридических наук, профессор Тошев Бобокул Норқобилович доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Таможенный институт Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __. __ часов на заседании разового научного совета на базе Научного совета DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 по присуждению ученых степеней при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (Адрес: 100109, Ташкентская обл., Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № _____). Адрес: 100109, Ташкентская обл., Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50.

Автореферат диссертации разослан «__» ноября 2020 года.
(протокол реестра № _ от «__» ноября 2020 года).

М. Х. Рустамбаев
Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.ю.н., профессор

М.Т.Ахмедова
учёный секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.ю.н., доцент

М.Б. Усмонов
Председатель научного семинара при Разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.ю.н., профессор.

ВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В процессе глобализации мирового сообщества, развитие международных торговых, экономических и социально-культурных связей, а также расширение товарооборота показывают, что договоры дарения и благотворительности все чаще используются в международных частных отношениях. В частности, расширяется круг субъектов договора дарения и пожертвований в социально-экономической жизни развитых стран, как основа возникновения права собственности и его распоряжения, и в этих отношениях участвуют граждане и юридические лица разных стран. Это указывает на растущую потребность в гармонизации законодательства, регулирующего дарение и пожертвования в международных частных отношениях.

На современном этапе процесса гармонизации широкого спектра частных отношений на международной арене проводятся научные исследования по совершенствованию правового механизма отношений дарения и пожертвований. В этой сфере, в частности, приобретает актуальное значение нахождение научно-теоретических и практических решений вопросов гармонизации нормативно-правовых актов, регулирующих договоры дарения и пожертвований в международных частных отношениях, договорных отношений, связанных с дарением и пожертвованиями, в частности, заключения договоров, их толкования и устранение нарушений условий договора, совершенствования механизма правового регулирования оборота подаренных объектов материального культурного наследия, использования пожертвованного имущества по целевому назначению.

В республике последовательно реализуются комплексные программные меры по обеспечению верховенства закона и дальнейшему реформированию судебно-правовой системы. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены такие важные задачи, как «усиление гарантий реализации прав граждан на частную собственность; совершенствование гражданского и хозяйственного законодательства; расширение использования механизмов досудебного урегулирования гражданских и хозяйственных споров, в том числе возникающих из договорных отношений»¹. Несмотря на принимаемые масштабные меры отсутствие четкого определения необходимых условий в договорах дарения и пожертвований приводит к их невыполнению или нарушению, в некоторых случаях возникают проблемы в применении правовых норм, касающихся отношений дарения. Кроме того, вследствие отсутствия четкого отношения к «обычному подарку» в гражданском и уголовном праве, а также недостаточного изучения проблемы применения этого юридического термина в гражданском праве не дано комплексной

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // www.lex.uz.

оценки данной коллизионной нормы. Это свидетельствует о необходимости дальнейшего совершенствования правового регулирования отношений дарения в стране.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1996), законах «О хозяйственных товариществах» (2001), «Об охране и использовании объектов культурного наследия» (2001), «О музеях» (2008), «Об оружии» (2019) и Указах Президента Республики Узбекистан от 16 апреля 2018 г. № УП-5416 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере», от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Распоряжения Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2019 года «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Исследования по совершенствованию правового регулирования отношений дарения проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в МГУ (Россия), Санкт-Петербургском государственном университете (Россия), The American institute of Iranin Studies, Harvard University, Stanford Law School, Boston College, Washington University School of Law, Johns Hopkins University (США), Oxford University, Newcastle University, Cambridge University, Queen Mary University (Великобритания), Frankfurt Universitet, Pantheon Sarbonne (Франция), Ludwig Maximilians Universität (Турция), Ludwig-Maximilians-Universität München, Humboldt-Universität zu Berlin (Германия), Western Ontario (Канада), Mardin Artuklu universitetleri (Турция).

В результате отмеченных зарубежных научных исследований по вопросам, связанным с совершенствованием правового регулирования отношений дарения, были достигнуты следующие научные результаты, в том числе: предложены концептуальные основы правового регулирования договорных отношений, связанных с дарениями и пожертвованиями (МГУ, Россия); обоснованы вопросы совершенствования формы и порядка заключения

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, <http://www.pantheonsorbonne.fr>, <http://en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.utwente.nl/en/>, <http://bsu.edu.az/en/>.

договоров дарения и пожертвований как гражданско-правовых договоров (Санкт-Петербургский государственный университет, Россия); проанализированы вопросы изучения и совершенствования гражданского права, регулирующего договоры дарения и пожертвований (University of Oxford, Великобритания); предложены правовые механизмы регулирования споров, возникающих при договорном регулировании отношений дарения и пожертвований, и их разрешения (Cambridge University, Великобритания); обоснованы договорные отношения, связанные с дарениями и пожертвованиями, в частности, вопросы заключения договоров, их толкования и устранения нарушений условий договоров (Harvard University, США); изучены международно-правовые основы осуществления благотворительности и пожертвований и вопросы его совершенствования (Ludwig-Maximilians-Universität Munich, Германия); раскрыта благотворительность и ее значение в исламе (Mardin Artuklu universitetleri, Турция).

Сегодня в мире проводятся исследования по совершенствованию правового регулирования отношений дарения и пожертвований, в том числе по следующим приоритетным направлениям: гармонизация нормативно-правовых актов, регулирующих договоры о дарении и пожертвованиях в международных частных отношениях, нахождение научно-теоретических и практических решений совершенствования механизма правового регулирования договорных отношений, связанных с дарениями и пожертвованиями, в частности, заключения договоров, их толкования и устранение нарушений условий договора, обращения с безвозмездно переданным объектом материального культурного наследия, использования пожертвованного имущества по целевому назначению.

Степень изученности проблемы. В исламском праве особое внимание уделяется отношениям дарения и пожертвований, включая сострадание, помощь нуждающимся, благодарность и доброту друг к другу. Вопрос правового регулирования отношений дарения и пожертвований широко освещен в трудах великих правоведов исламского мира Мухаммада бин Ахмада бин Абу Сахлас-Сарахси, шейх уль Ислама Бурханиддина аль-Маргинани, Юсуфа аль-Хусейна ас-Самарканди³.

Некоторые аспекты правового регулирования отношений дарения и пожертвований научно в общем проанализированы учеными цивилистами нашей страны. В частности, это прослеживается в работах таких ученых как И.Анортоев, М.Баратов, И.Зокиров, О.Окюлов, Х.Рахмонкулов, Р.Рузиев, М.Усманова, Ф.Шодмонов, А.Мухаммадиев⁴.

